ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

САДИКОВА ГУЛНОЗА ҚУДРАТИЛЛАЕВНА

ПАХТА-ИПАК АРАЛАШМА ТОЛАЛИ ТЎҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА БЎЯШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК: 677.027.2/.4-037.21/.37

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical science

Садикова Гулноза Қудратиллаевна
Пахта-ипак аралашма толали тўқимачилик материалларини тайёрлаш ва бўяшнинг самарали технологиясини яратиш..... 3

Садикова Гулноза Кудратиллаевна
Создание эффективной технологии подготовки и окрашивания хлопко-шелковых текстильных материалов ……... 21

Sadikova Gulnoza Qudratillaevna
Development of technology preparation and intensification of dyeing cotton-silk in mixture textile fabrics...…… 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….…… 44

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

САДИКОВА ГУЛНОЗА ҚУДРАТИЛЛАЕВНА

ПАХТА-ИПАК АРАЛАШМА ТОЛАЛИ ТЎҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА БЎЯШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/T110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (titli.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Худайбердиева Дилфуза Бахрамовна** техника фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Ихтиярова Гулнора Акмаловна** кимё фанлари доктори, профессор
	Валиев Гулом Набижонович техника фанлари номзоди, к.и.х.
Етакчи ташкилот:	**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «28» август 15^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжахон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17; titlp info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (44-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжахон кўчаси, 5. тел: (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил “20” июл куни тарқатилди.
(2018 йил «20» июлдаги 44 рақамли реестр баённомаси).

Диссертация автореферати 2018 йил “20” июл куни таркатилди.
(2018 йил «20» июлдаги 44 ракамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Ташпулатов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги жаҳон бозорида табиий толалар асосидаги тўқимачилик ва кийим учун мўлжалланган материалларга бўлган талаб ўсиб бормоқда. Ушбу соҳада асосий пахта ишлаб чиқарувчи давлатлар – Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Ўзбекистон томонидан жаҳон масштабидаги 70% пахта ишлаб чиқарилиб 19,6 млн. тоннани ташкил қилади. Шу жиҳатдан, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, мавжуд технологияларни такомиллаштириш ва янги турдаги ассортиментларни яратишга алоҳида эътибор қаротилмоқда.

Жаҳон тажрибасида пахта ва ипак асосидаги тўқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш бўйича илм ва техникани, мавжуд технологияларни модернизациялашни самарали қўллашга йўналтирилган инновацион техника ва технологияларни тадқиқ қилиш бўйича илмий изланиш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан аралаш толали мато таркибидаги ташкил қилувчилар нисбатини назарий асослаш, пахта-ипак асосидаги аралаш толали тўқимачилик материалларни кимёвий пардозлаш жараёнида муқобил параметрларни аниқлаш, уларнинг мато сифатига таъсир даражасини аниқлаш, бўёвчи моддани толага нисбатан диффузияси, сорбцияси, боғланиш даражаси, қиммат бўёвчи моддадан самарали фойдаланиш қонуниятларини ўрганиш, математик моделларини яратиш ўта муҳим масала ҳисобланади. Шу билан бирга аралаш толали материалларнинг целлюлоза ташкил этувчисида бўёвчи моддадан юқори фойдаланиш даражасини таъминловчи, махаллий хомашёга асосланган таркиб ишлаб чиқилган. Ушбу бўяш жараёни интенсивлаш механизми ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, пахта ва ипак асосидаги тўқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш техника, технология ларини такомиллаштириш орқали экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»[1] вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан экспорт қилинадиган пахта толаси миқдорини камайтириб, ундан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида тўқимачилик саноатини кенгайтириш ва инвестицион муҳитни ташкил қилиш, тўқимачилик материалларини тайёрлаш сифат кўрсатгичларини бошқариш имконини берувчи пардозлашга тайёрлаш технологик режимларини аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 март ПҚ-2856 сон «ЎЗБЕКИПАКСАНОАТ" уюшмаси фаолиятини ташкил қилиш хақида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта, ипак толали тўқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш технологиясида жараёнларни жадаллаштириш усуллари борасида бир қатор чет эл ва Республикамиз олимлари Wang Yunlong, Mogeet Abdul, F.Telebpour, T.S. Abdel-Yalim, M.L.Gulrajani, D.O.Klemm, Lee Shin-Hee, Sun Jie, E.K.Karamkas, М.Андреева, Ц.Я.Росинская, М.М. Муратова, Н.Г.Романова, В.В. Карпова, М.З.Абдукаримова, Г.А.Ихтиярова, И.И. Ключкова, В.В.Павлов, Е.Г. Кричевский ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Пахта-ипак аралаш толали тўқимачилик материаллари ассортиментини кенгайтириш мақсадида табиий ипак ва бошқа турдаги толаларни аралаштириб, янги таркибли тўқимачилик материаллар олиш бўйича Х.А.Алимова, М.М.Муқимов, И.А.Набиева, А.Э.Гуламов, Д.У.Арифжанова, Moqeet Abdul ва бошқалар бу соҳа ривожига муносиб хисса қўшдилар.

Патент маълумотлари ва даврий адабиётлар таҳлилидан маълум бўлдики, бунда янги пахта-ипак аралаш толали материаллар ассортиментини яратиш учун ушбу аралаш материалларга кимёвий пардоз бериш усулини ишлаб чиқиш талаб қилинади ва пахта-ипакли тўқимачилик матоларини пардозлашга тайёрлаш, турли тўқимачилик ёдамчи моддалари иштирокида бўяш жараёнига таъсир этишини систематик равишда тадқиқ этиш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот режасининг № Ф-7-08 "Кимёвий ва табиий толалар асосида олинган аралаш толали материалларга кимёвий пардоз бериш илмий асосларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш" ва № ИТД-12-10 "Пахта-ипак аралаш толали материалларнинг янги ассортиментига кимёвий пардоз бериш технологиясини яратиш" мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: пахта-ипак аралаш толали тўқимачилик материалларини маҳаллий кимёвий моддалардан фойдаланган ҳолда пардозлашга тайёрлаш ва бўяш жараёнининг самарали технология яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта-ипак аралаш толали тўқмимачилик материалларини ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган толали хом ашёларнинг структуравий-сорбцион хоссаларини ишлаб чиқиш;

пахта-ипак аралаш толали тўқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш жараёнида ипакга юмшоқ таъсир этувчи кимёвий моддаларни такомиллаштириш;

дастлабки тола сифатини сақлаган ҳолда, пахта-ипак аралаш толали тўқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва бу жараённинг оптимал параметрларини белгилаб олиш;

аралаш толали материалларнинг ҳар бир компонентларини бўяшда сифатли, бир хил ранг тус беришни таъминловчи актив бўёвчи моддаларни қўллаш;

пахта-ипак толали материалларини юқори сифатли бўялишини таъминловчи бўяш технологиясини такомиллаштириш;

турли тўқимачилик ёрдамчи моддалар билан бўяш жараёнини жадаллаштириш, бўёвчи моддадан самарали фойдаланган ҳолда, аралаш толали тўқимачилик материалларнинг хар бир компонентини юқори сифатли бўялишини таъминлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта толасининг Порлоқ-1, Порлоқ-2, С-6524 навлари, ипак тарандиси кўринишидаги ипакчилик саноати чиқиндиси, турли таркибли пахта-ипак калавалар, пахта-ипак аралаш толали “Атлас”, “Полотно” матолари олинган. Кимёвий моддалардан бентонит, Bizol Do, этиленгликоль, ЭХГ, глицеринлар ишлатилган.

Тадқиқотнинг предмети пахта-ипак аралаш толали тўқимачилик материалларни бўяшга тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш, материал сифатини яхшилаш ва эксплуатацион хусусиятларини сақланишини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий синов воситаларидан: ренгенографик, спектрал, структуравий-сорбцион, физика-кимёвий, механик ва амалий математика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минерал моддалар ва бифункционал бирикмалар ёрдамида бўяш жараёнини жадаллаштириш усули ишлаб чиқилган;

пахта толасининг янги Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навларини қўллаган ҳолда пахта-ипак аралаш толали материалларнинг юқори эксплуатация хоссаларини таъминловчи муқобил нисбатлари ишлаб чиқилган;

турли таркибли пахта-ипак аралаш толали тўқимачилик материаллари-нинг тайёрлаш сифат кўрсатгичларини бошқариш имконини берувчи пардозлашга тайёрлаш технологик режими орқали аниқланган;

аралаш толали материалларнинг пардозлашга тайёрлаш жараёнини адекват ифодаловчи, оқлик даражасини ва капиллярлигини башорат қилувчи регрессия боғланиши ишлаб чиқилган;

аралаш толали материалларнинг целлюлоза ташкил этувчисида бўёвчи модданинг юқори фойдаланиш даражасини таъминловчи махаллий хомашёга асосланган таркиб ишлаб чиқилган ва бўяш жараёнининг интенсивлаш механизми асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахта толасининг янги Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навларини қўллаган ҳолда пахта-ипак аралаш толали калава ипларининг структура-сорбцион, эксплуатация хоссаларини комплекс бахолаш асосида намуналар ишлаб чиқилган;

пахта-ипак аралаш толали калава ипларини ва «Атлас», «Полотно» матоларини пардозлашга тайёрлаш технологик режими вақтинчалик технологик регламенти ишлаб чиқилган;

пахта-ипак аралаш толали калава ипларини бўяш технологик режими ва вақтинчалик технологик регламенти ишлаб чиқилган;

аралаш толали калава ипларини махаллий хомашё асосида актив бўёвчи модданинг фойдаланиш даражасини оширувчи ва толали компонентларни бир хил ранг интенсивлигини таъминловчи таркиб асосида бўяш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижасининг ишончлилиги, апробация ва қўллаш натижаларида пахта-ипак аралаш толали материаллар ва толали хом ашёни спектроскопик, микроскопик, колориметрик, ренгенструктурали, структуравий-сорбцион, тадқиқ мезонларига кўра адекватлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобийлиги, уларни ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта толасининг янги Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навларидан фойдаланган ҳолда олинган пахта-ипакли калава ипнинг структуравий-сорбцион ва эксплуатацион хусусиятлари аниқланган ва пахта-ипак аралашма толали материалларни ишлаб чиқаришда пахта толасининг янги навларидан фойдаланиш имконияти кўрсатилган, бўяш жараёнини жадаллаштириш учун бўяш сифатини яхшиловчи таркиб билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти пахта-ипак аралаш толали материалларни пардозлашга тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган, аралаш материалнинг тола таркибида маҳаллий кимёвий моддаларни қўллаб, оқова сувларнинг ифлосланиш даражасини камайтириш ва бўёвчи моддадан фойдаланиш даражасини ошириш имконини берадиган, жадаллаштирилган бўяш жараёнини ҳисобга олган ҳолда, пардозлашга ва бўяшга тайёрлаш жараёнларининг технологик кўрсаткичлари билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта-ипак аралашма толали тўқимачилик материалларини тайёрлаш ва бўяшнинг самарали технологиясини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

минерал моддалар ва биофункционал бирикмалар ёрдамида бўяш жараёнини жадаллаштириш услуби “O’ZTO’QIMACHILIKSANOATI” уюшмаси тизимидаги, хусусан “Urganch Baxmal” корхонасига жорий этилган

(“O’ZTO’QIMACHILIKSANOATI” уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги БМ-06-4027-сон маълумотномаси). Натижада фаол бўёвчи моддалари билан бўяш даражаси 76% дан 98% гача ошиши ва аралаш материал таркибидаги ҳар иккала компонентнинг бир хилда текис бўяш имкони яратилган;

пахта толали матоларни фаол бўёвчи моддалар билан ярим узлукли усулда бўяш учун таркиб “O’ZTO’QIMACHILIKSANOATI” уюшмаси тизимидаги, хусусан “Urganch Baxmal” корхонасига жорий этилган (“O’ZTO’QIMACHILIKSANOATI” уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги БМ-06-4027-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида интенсификатор иштирокида бўёвчи моддадан самарали фойдаланган ҳолда ранг сифатини 89 % га яхшилаш имкони яратилган;

пахта-ипак аралаш толали калава ипларнинг ассортиментларини пардозлашга тайёрлаш бўйича технологик регламент “O’ZTO’QIMACHILIK-SANOATI” уюшмаси тизимидаги, хусусан “Gulobod mega tex” хусусий корхонасида жорий этилган (“O’ZTO’QIMACHILIK-SANOATI” уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги БМ-06-4027-сон маълумотномаси). Натижада пахта-ипак аралаш толали калава ипларда бир ваннада бир хил ранг тус бериш имкони яратилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида мухокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиянинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 1 та ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Пахта-ипак толаси асосида тўқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш ва бўяшнинг замонавий аспектларини таҳил қилиш”** деб номланган биринчи боби сўнгги йиллардаги даврий илмий маълумотларни таҳлил қилишга бағишланган, бу ўрганиб чиқилаётган масала ҳолатини намоён қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун вазифаларни аниқлаш имконини беради. Тўпланган илмий-техникавий

маълумотлар таҳлилидан маълум бўлдики, бунда пахта ва ипак толаларининг структураси, физикавий-кимёвий тавсифлари ва кимёвий пардозлаш жараёнлари етарли даражада батафсил тадқиқ этилган. Сўнгги йилларда илмий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, жаҳон амалиётида табиий, сунъий ва синтетик толалар аралашмасидан таркиб топган аралаш матоларга алоҳида эътибор қаратилган, пахта-ипакли матолар ишлаб чиқариш ва уларни кимёвий пардозлаш жараёнлари бўйича адабиётлар матбуотда жуда ҳам кам нашр этилган. Олиб борилган адабиётлар таҳлили махаллий кимёвий реагентлардан фойдаланган ҳолда, юқори технологик ва эксплуатацион хусусиятларни таъминлайдиган, пахта-ипакли аралаш матоларни тайёрлаш ва бўяшнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифа эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари тавсифлари келтирилган, кимёвий пардозлаш усуллари ва пахта толали, ипак тарандиси хом ашёси ва аралаш тўқимачилик материаллари: калава иплар ва матолар хусусиятларини тадқиқ этиш услуби таърифланган. Мазкур бобда пардозлашга тайёрлаш ва бўяш сифатни назорат қилиш каби экпериментал тажриба усуллари келтирилган. Мавжуд услублардан пахта-ипак аралаш толали матоларни пардозлаш учун узлукли усул, актив бўёвчи модда билан бўяш учун эса ишқорий усул тадқиқ этилди.

Диссертациянинг **“Пахта-ипак толали тўқимачилик материалларининг физик-механик, структуравий-сорбцион хусусиятлари тадқиқоти”** деб номланган учинчи боби танлаб олинган пахта толаси ва ипак тарандиси толали хом ашёларини кимёвий таркибининг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда физик-механик, структуравий-сорбцион хусусиятлари тадқиқотига ва уларнинг рентгенструктуравий таҳлилига бағишланган.

Экспериментал тадқиқотлар учун пахта толасининг районлаштирилган С-6524 нави, ипак саноатининг таранди кўринишидаги чиқиндиси, ва ЎзР ФА «Геномика биоинформатика» марказидан олинган пахта толасининг янги селекцион Порлоқ-1, Порлоқ-2 навлари танлаб олинди.

1-жадвал

Дастлабки пахта ва ипакли толаларнинг тавсифи

№	Кўрсаткичлар номи	Синов натижалари			
		С-6524	Порлоқ-1	Порлоқ-2	Ипак тарандиси
1	Пишганлик коэффициенти	1,9	2,0	2,0	-
2	Штапел узунлиги, мм	33,2	34,3	35,4	35,0
3	Нисбий узилиш кучи, cN/текс	25,5	26,6	27,8	52,0
5	Чизиқли зичлик, м.текс	172	169	166	150
8	Узилиш куч, cN	4,4	4,5	4,5	7,8

Пардозлаш жараёнида бўёвчи модда сорбциясининг кўрсаткичини аниқловчи муҳим омиллардан бири бу тола қурилмаси ва унга таъсир этувчи, ҳамда сорбланган бўёвчи модда миқдорини белгиловчи барча омиллардир. Шу

сабабли дастлабки хомашёларни юзавий-ҳажмий хоссалари ўрганилди (1-расм). Дастлабки толаларнинг юза ва ҳажмий хусусиятлари сув буғи сорбцияси изотермаси натижалари бўйича ҳисобланди (2-жадвал).

Пахта толасининг янги навлари моноқатлам ҳажми ($X_м$), капиллярлар радиуси ($R_{ср}$), солиштирма юзаси ($S_{уд}$) ва ғовакларнинг умумий ҳажми (W_0) ушбу кўрсаткичлар бўйича ипак тарандисига нисбатан юқори ва бир-биридан ўзаро фарқ қилади. Порлоқ-2 навининг ғоваклар ўлчами, камроқ, тола қурилмаси сезиларли даражада зич жойлашган ва мувофиқ равишда пишиқлиги юқори ва ушбу кўрсаткичлар кристаллик ($C_{кд,}$) билан тасдиқланади.



1-расм. Намуналарнинг 25 ± 0,1°С да сув буғлари изотермаси. пахта толалари:
1 – С-6524 нави;
2- янги селекция Порлоқ-1нави;
3- янги селекция Порлоқ-2нави;
4-ипак тарандиси

2-жадвал

Дастлабки толаларнинг юзавий-ҳажмий хусусиятлари

Сифат кўрсаткичлари	Пахта толаларининг нави			Ипак тарандиси
	С-6524	Порлоқ-1	Порлоқ-2	
Моноқатлам ҳажми,$X_м$, г/г	0,0105	0,0219	0,0118	0,01197
Солиштирма юза $S_{уд}$, $м^2$/г	36,75	76,98	41,52	42,08
Ғовакларнинг умумий ҳажми, W_0, $см^3$/г	0,048	0,072	0,058	0,055
Капиллярлар радиуси,$R_{ср}$, A^0	26,12	28,18	18,71	26,014
Кристаллик даражаси, %	84	84	86	76

Пахта толасининг янги навлари С-6524 навига қараганда юқори юзавий-ҳажмий хусусиятларга эга ва табиий ипак толасига яқин. Аралаш толали калава ипларни физик-механик хусусиятларига, пардозлашга тайёрлаш ва бўяш жараёнларига таъсирини ўрганиш мақсадида АЖ “Paxtasanoat ilmiy markazi” “Шерли” тизимида аралаш калава ипларнинг қуйидаги П:И=90:10; 80:20; 70:30; 60:40 нисбатида тажрибавий намуналар ишлаб чиқилди.

Ипак тарандисини аралаш калава таркибидаги миқдорини ортиб бориши унинг пишиқлигини пахта калава ипга нисбатан мос равишда С-6524 навида 3,0 дан то 21 % гача, Порлоқ-1 9,7% дан то 24,8% гача ва Порлоқ-2 6,2% дан 21,0% гача ошириш имконини беради. Бироқ, калава ип таркибида иккинчи компонент миқдорини 20% дан юқори ошириш, ушбу кўрсаткичларни бир оз камайтиради, лекин, у дастлабки пахта толали калава ипга қараганда юқори бўлиб қолади.

Таъкидлаш зарурки, бунда аралаш калава ипнинг чизиқли зичлиги ва мустахкамлик хусусиятларини баҳоловчи кўрсаткичларининг вариация коэффициенти иккинчи толали компонент миқдорини кўпайиши билан ортиб боради.

Тола қурилмасини кимёвий пардозлаш жараёнида кимёвий реагент ва бўёвчи модда сорбцияси кўрсаткичини белгиловчи асосий омилдир. Аралаш толали калава ипининг толали таркибини унинг юзавий-хажмий хоссаларига таъсир этиши ўрганиб чиқилди.

Толали компонентларнинг 80:20 нисбатида калава ипнинг W_0, $R_{ср}$ қиймати ортади, аралаш калава ипи таркибидаги ипак тарандисининг улуши 20% дан юқорига ортиши билан калава ипнинг W_0 ҳам камаяди. Аралаш толали калава ип таркибида оқсилли тола улуши ортиши билан $C_{кд,}$, $R_{ср}$ ва W_0 лар камаяди.

Турли таркибли аралаш калава иплари намуналари деформациясининг таркибий қисимлари шартли қийматларини ўзгариши ўрганилди. Шу асосида ип намуналарининг деформациясининг таркибий қисмининг шартли қийматларини ўзгариши ўрганиб чиқилди.

Пахта калава ип таркибига ипак тарандисини киритилиши деформациянинг пластик таркибий қисмини камайиши кузатилди. С-6524 нави билан солиштирилганда, янги селекциялаштирилган Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 навлари сезиларли даражада юқори қайишқоқ-эластикли хусусиятга эга эканлиги аниқланди. $C_{кд}$ бўйича нисбатан паст қийматга эга бўлган янги Порлоқ-1навида деформациянинг пластик таркибий қисми Порлоқ-2 навга нисбатан мувофиқ равишда 5% га кам.

Пахта:ипак аралаш толали калава ипларида юқори сифат кўрсатгичларига эга бўлган толали таркибини аниқлаш учун турли таркибли калава иплар сифати комплекс баҳоланди (2-расм).



I-П-2 100%; II-П:И=90:10; III-П:И=80:20; IV-П:И=70:30; V-П:И=60:40; VI-ипак 100%

2-расм. Порлоқ-2 навли пахта толасидан олинган калава ип сифатларини қиёсий баҳолаш гистограммаси, комплекс баҳолаш

Порлоқ-2 навли пахта толаси ва ипак тарандисидан 80:20 нисбатларда С-6524 навдан 90:10 нисбатларда олинган аралаш калава ип энг яхши комплекс хусусиятларга эга бўлди.

Диссертациянинг **«Пахта-ипакли тўқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш ва бўяшни самарали технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи боби тўқимачилик материалларини бўяшга ва гул босишга тайёрлаш ва бўяш жараёнига бағишланган.

Тўқимачилик материалларини бўяшга ва гул босишга тайёрлаш жараёни тўқимачилик-ёрдамчи моддаларни ва бўёвчи моддаларни кимёвий пардоз бериш жараёнида максимал диффузиясини таъминлаш учун хом толали материалларни табиий ва технологик ифлосликлардан тозалашдан иборат.

Аралаш толали тўқимачиик материалларини тайёрлаш ва пардозлаш технологиясини ишлаб чиқишда таркибга кирган толани юқори сифатини ва юзавий- ҳажмий хусусиятларини сақлаб қолиш учун ҳар бир толали компонентнинг хусусиятини ҳисобга олиш зарур.

С-6524 навли пахта толаси ва ипак тарандиси киритилган хом калава ипни иккита технология бўйича пардозлашга тайёрлаш жараёнининг ҳароратли-вақтли кўрсаткичлари ўрганилди. Тайёрлаш жараёнининг биринчи босқичи ферментатив ишлов бериш, иккинчиси эса пероксидли оқартириш бўлиб, тайёрланган калава ипларининг сифатини белгиловчи оқлик даражаси (ОД), капиллярлик (КП) ва нисбий мустаҳкамлик (НМ), узилишдаги чўзилиш (L), каби муҳим аҳамиятга эга бўлган сифат кўрсаткичларини аниқлаш ёрдамида назорат ўтказилди.

Шимдириш учун қўлланилган таркиб, г/л да: Na_2CO_3-6г/л, ОП-10-2г/л, H_2O_2-6г/л, Na_2SiO_3-50г/л, Bizol Do-6г/л.

3-жадвал

Пардозлашга тайёрлаш жараёнининг аралаш калава ипнинг сифат кўрсаткичларига таъсири

№	Намуналар нисбати, %	КП,мм/соат		ОД, %		НМ, Н/текс		L, %	
		1	2	1	2	1	2	1	2
1	Пахта С6524	142	132	85,4	88,5	11,5	10,5	5,06	6,9
2	Ипак	135	135	78,7	80,0	13,8	13,0	7,81	8,8
3	П:И 90:10	141	135	85,4	88,3	12,4	9,1	5,42	3,4
4	П:И 80:20	140	131	85,7	87,2	13,1	10,1	6,92	5,6
5	П:И 70:30	138	134	84,3	86,2	14,2	10,8	7,04	6,9

Биринчи технологик схема асосида жараённи олиб бориш, аралаш калава ипнинг физик-механик хусусиятларини сақланишини таъминлайди, бунда Na_2CO_3 4 г/л гача ортиши билан намуналарнинг ОД таркибга боғлиқ бўлмаган ҳолда 80,2 дан 90% гача ортади, КП 80 дан 120 мм/соат гача ортади, лекин 3 г/л миқдорида ипак ва таркибида ипак миқдори катта бўлган аралаш ва ипак калава ипларнинг мустахкамлиги сезиларли пасайиши кузатилди. Ферментни қўлланилиши ва H_2O_2 нинг 3÷4 г/л концентрациясида пахта иплари учун ОД 11% гача, ипакли ва аралаш калава иплар учун мувофиқ равишда 5÷7% гача ошириш имконини беради. Тадқиқот натижаларига кўра пахта:ипакли аралаш калава ипларни қуйидаги таркиб билан (г/л): Na_2CO_3-3, ОП-10-2, H_2O_2-3,5, Na_2SiO_3 -30, Bizol Do-4 узлукли усулда пардозлашга тайёрланди.

Таркиб билан шимдириш T= 25 ºC, τ=10 минут	→	1-қайнатиш босқичи T=50 ºC, τ= 20 минут	→	2-қайнатиш босқичи T= 95 ºC, τ=20 минут	→	ювиш; T =55 ºC, τ= 10 минут T= 25 ºC, τ= 10 минут

“Тўлиқ факторли эксперимент” ёрдамида пахта-ипакли аралаш тўқимачилик калава ипи учун қайнатиш-оқартириш ваннаси реагентлари концентрациясини оптималлаш тадқиқ этилди. Асосий таъсир этувчи омил сифатида аралаш калава ип таркибидаги ипак ипи улуши, қайнатиш-оқартириш ваннаси таркибидаги реагентлар сони (H_2O_2, Na_2SiO_3, Na_2CO_3) танлаб олинди. Чиқиш кўрсаткичи сифатида оқартириш даражаси (%),капиллярлик мм/соат, қайнатилган ва оқартирилган калава ипнинг узилишдаги кучланиши (cN) қабул қилинди.

4-жадвал

“Тўлиқ уч омилли тажриба”нинг тажриба ўтказиш режаси

1-тажриба ($p = 1$)

№	Кўрсаткичлар	$x_{\min}$	$x_{\max}$	Δ	x_0
1.	Аралаш калава ип таркибидаги ипак толанинг улуши	0	30	15	15
2.	H_2O_2	1	5	2	3
3.	Na_2SiO_3	10	50	20	30
4.	Na_2CO_3	2	6	2	4

2-тажриба ($p = 2$)

№	Кўрсаткичлар	$x_{\min}$	$x_{\max}$	Δ	x_0
1.	Аралаш калава ип таркибидаги ипак толанинг улуши	0	30	15	15
2.	H_2O_2	2	6	2	4
3.	Na_2SiO_3	12	40	14	26
4.	Na_2CO_3	3	8	2,5	5,5

Эслатма: ипак ипининг улуши минимал қийматларда, пахта калава ипи 100%, пахта-ипакли калава ип максимал 70:30% .

5-жадвал

Режим асосида оқартириш кўрсаткичини чиқиши (%) да кўрсатилган

№	Ўзгарувчилар даражаси				Тажриба натижалари					
	x_1	x_2	x_3	x_4	$\bar{y}_{i1}$	$\bar{y}_{i2}$	$\bar{y}_u$	S_u^2	$\hat{y}_u$	R_{0u} (%)
1	-	-	-	-	88,81	86,71	87,76	2,205	88,80	1,187
2	+	-	-	-	81,27	83,94	82,60	3,564	82,75	0,174
3	-	+	-	-	89,53	88,23	88,88	0,845	88,8	0,089
4	+	+	-	-	82,04	82,20	82,12	0,0128	82,75	0,502
5	-	-	+	-	89,43	88,44	88,93	0,490	88,8	0,765
6	+	-	+	-	81,99	82,68	82,33	0,238	82,75	0,150
7	-	+	+	-	89,70	89,25	89,47	0,101	88,8	0,502
8	+	+	+	-	81,48	81,75	81,61	0,0364	82,75	1,389
9	-	-	-	+	88,60	88,63	88,61	0,0004	88,8	0,210
10	+	-	-	+	83,83	83,71	83,77	0,0072	82,75	1,291
11	-	+	-	+	89,65	89,35	89,50	0,0450	88,8	0,781
12	+	+	-	+	82,20	84,61	83,40	2,904	82,75	0,787
13	-	-	+	+	88,92	87,60	88,26	0,871	88,8	0,613
14	+	-	+	+	82,75	82,87	82,81	0,0072	82,75	0,074
15	-	+	+	+	88,40	89,57	88,98	0,684	88,8	0,206
16	+	+	+	+	82,71	83,95	83,33	0,768	82,75	0,697

Натижалар асосида аралаш калава иплар учун берилган ўзаро нисбатларда талаб қилинган оқартирилганлик даражасини таъминлайдиган қайнатиш-оқартириш ваннаси реагентлари концентрациясининг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш мумкин. Пардозлашга тайёрлаш жараёнида П:И=81:19 таркибли аралаш калава ипни 84,52% ОД эришиш учун қайнатиш-оқартириш ваннасидаги реагентлар концентрацияси Na_2SiO_3 30 г/л, ва 1г/л H_2O_2 дан ташкил топиши керак.

Аралаш пахта-ипакли матолар унча катта бўлмаган миқдорларда ишлаб чиқарилади. Матоларни пардозлашга тайёрлашда қўлланиладиган узлуксиз услуб юқори унумдор, самарали услуб ҳисобланади, лекин жараённи узлуксиз кечишини таъминлаш учун катта миқдордаги хом ашё талаб қилинади. Шу асосида “Cotton road” корхонасининг “Kyusters” фирмасининг «CIDITEX» дастгоҳида аралаш матоларни пардозлашга тайёрлаш жараёнини ярим узлуксиз усулда ўрганиб чиқилди.

Пардозлашга тайёрлашнинг ушбу услуби совуқ услуб ҳисобланади, кимёвий моддалар шимдирилган мато сақлаб туриш жараёнида реагентларнинг кимёвий реакцияга киришуви натижасида ҳарорати 55°С гача кўтарилади ва ифлосликлар парчаланади, бу усул экологик тоза усул ҳисобланади.

“Атлас” ва “Полотно” пахта-ипакли аралаш матоларни 6 соат сақлаш давомийда унинг ОД ва каппилярлик кўрсаткичлари мувофиқ равишда 134 мм/соатда 88,6% гача ва 128 мм/соатда 86,0% га ортади. Бироқ, сақлаш вақти 6 соатдан ортиқ бўлиши ушбу кўрсаткичларни кескин ортишига олиб келмайди. “Атлас” ва “Полотно” матоларни сифат кўрсатгичларига тайёрлаш ваннаси таркибидаги реагентлар концентрацияси ўрганилди: оқартириш H_2O_2 -2%, Beizol do – 1÷1,5 % интервалида, Na_2CO_3 5% ли концентрацияси ва анионактив САМ қўллаш талабларга мувофиқ бўлган ОД ва каппилярлик кўрсаткичлари юқори қийматларига эришилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тайёрлаш таркиби (%) ва ярим узлуксиз усул танлаб олинди.

Анионактив САМ – 1,5, ContawashTIG – 1,0, Na_2SiO_3– 2,5, kallozol sd – 0,25, Beizol do – 1,0, H_2O_2– 1,5 ± 0,2, Na_2CO_3 – 5,0 қуйидаги кетма-кетликда:

Эритма билан шимдириш T=25±2 °С, τ=30 сек	→	Сиқиш 110±2 %	–	Ўраш	–	Сақлаш, τ=6 соат кимёвий реакция натижасида T= 55°С кўтарилади

Таклиф этилган таркибли аралаш матоларни пардозлашга тайёрлаш сифати ва физик-механик хусусиятлари ўрганиб чиқилди.

6-жадвал

Таклиф этилган технология асосида пардозланган аралаш толали матоларнинг пардоз сифати ва физик-механик хусусиятлари

Мато тури	ОҚ, %	КП, мм/соат		P, N	L, %		Ҳаво ўтказ. $см^3/см^2$ с
		танда	арқоқ		танда	арқоқ	
“Атлас”							
хом мато	84,0	12	5	342/967	27,4	7,7	53.2
тайёр мато	88,0	129	118	591/930	34,5	12,3	40,6
“Полотно”							
хом мато	80,0	5	12	468/968	31,8	7,7	29.5
тайёр мато	85,0	121	119	330/467	49,1	14,3	31,0

Пардозлашга тайёрланган ва хом калава ипларниниг структура-хажмий хусусиятлари қиёсий таққосланганда $S_{уд}$ 2,6-6,5 марта, W_0 1,2-2,0 марта камайиши, компонентларнинг 90:10 ва 70:30 ўзаро нисбатида аралаш намуналар $r_{ср}$ капиллярлари радиуси 2,5-3,0 марта ортиши кузатилди. Хом калава ипига нисбатан барча намуналарнинг КД оз миқдорда камаяди.

Аралаш толали тўқимачилик материалларининг бўяш жараёнида юзага келадиган асосий муаммо иккала толали компонентларда бир хил сифат кўрсатгичига эга ранг олишдир. Тадқиқот учун Республика корхоналарида кенг кўламда қўлланиладиган турли рангдаги фаол бўёвчи моддаларнинг 12 хил маркалари (Хитой) танлаб олинди. Фойдаланилган бўёвчи моддалари орасида фаол кўк 195 KN-Rs, фаол олов ранг 122 EF-2R, фаол олов ранг 123 EF-2R рангларда пахта ва ипак толали калава иплар битта ва алоҳида ваннада бўялганда бир-бирига яқин ранг интесивлигига эришилди.

Бўяш ваннасидаги бўёвчи модда ва Na_2CO_3 концентрацияси бўяш сифат кўрсатгичлари: бўёвчи моддадан фойдаланиш даражасига (БФД), ранг интенсивлигига (K/S) ва ранг нотекислигига (R) таъсири ўрганилди (7-жадвал).

Аралаш калава ипда ипак тола улушининг ортиши БФД кўтарилишига имкон беради, бироқ, 30% ипак толаси бўлган калава ип бўялгандан сўнг ранг нотекислиги 1,2 га эга бўлади.

Бўяш ваннасининг асосий реагентлари ва аралаш калава ип таркибини бўяш сифатига таъсири ўрганиб чиқилди.

7-жадвал

Порлоқ-1 навли пахта толаси асосида олинган аралаш калава ипнинг толали таркибини бўяш сифатига таъсири

БМ конц., %	БФД, %	K/S	R
1	18 / 46 / 48 / 52	7,0 / 7,5 / 7,5 / 8	0,2 / 0,6 / 0,1 / 0,6
2	15 / 36 / 37,5 / 39	12,0 / 9,5 / 10 / 11	0,4 / 0,3 / 0,2 / 0,8
3	13,3 / 28 / 25 / 27,7	11,0 / 11,5 / 11 / 12,5	0,8 / 0,2 / 0,4 / 1,0
4	15 / 30 / 23,4 / 25,5	11,5 / 12 / 12 / 11,7	1,0 / 0,7 / 0,8 / 1,2
5	16 / 28 / 24,4 / 15,8	12,5 / 13 / 12,5 / 19	1,0 / 1,2 / 0,8 / 1,0

*100% Порлоқ-1/аралаш калава ип: П:И=90:10 / П:И= 80:20 / П:И= 70:30.

Бўяш ваннасида Na_2CO_3 концентрациясини ошиши БФД 17,5 дан то 27,5% гача, калава ип таркибида ипак толани эса 2,5 дан то 17,5% гача ортиши билан K/S оз миқдорда ортади. Бироқ бўяш эритмаси таркибидаги Na_2CO_3 6 г/л дан кўпайиши албатта аралаш калава ипларнинг физик-механик кўрсаткичларини камайтиради. Илмий тадқиқотлар натижасида пахта-ипакли аралаш калава ипни бўяш учун бўёвчи модданинг 2% ва 5г/л ишқорли агент ва узлукли услубда бўяш технологияси таклиф этилди.



3-расм. Пахта-ипакли аралаш калава ипни бўяш технологик режими.

Фаол бўёвчи моддалар билан бўяш жараёни БФД кам бўлиши, бу эса бўялган матони ювиш жараёнини мураккаблаши билан тавсифланади.

Шу билан боғлиқ бўлган ҳолда, аралаш матонинг иккала таркибий қисмида бир хил ранг интенсивлигига эришиш, бир хилда бўяш ва бўёвчи модда фйдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида пахта-ипакли аралаш калава ип бўяш жараёнини жадаллаштириш имконияти ўрганиб чиқилди.

Пахта-ипак толали аралаш калава ипдан тайёрланган матони бўяш жараёнини узлукли услубда интенсификациялаш учун Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилган “Навбаҳор” бентонити танлаб олинди.

Бўяш жараёнини фаол олов ранг 123 EF–2R бўёвчи модда ёрдамида аралаш калава ип сифат кўрсаткичларига қуйидаги таркиб: 2% -бўёвчи модда, Na_2CO_3-3г/л, NaCI-30, бентонит 1÷3% асосида интенсификатори таъсири ўрганиб чиқилди.



4-расм. Бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси, %га бентонит концентрацияси таъсир этиши. Бентонит концентрацияси: 1-1%; 2-2%; 3-3%

Бентонит моддасидан жараённи жадаллаштирувчи модда сифатида қўлланилиши пахта-ипак толали калава ип ўзаро нисбатига боғлиқ бўлган ҳолда, БФД 2,2 дан то 3,2 мартагача ошириши ва мустаҳкамлиги 5 дан 7% гача ортиши кузатилди.

8-жадвал

Бўялган, П:И=80:20 ўзаро нисбатдаги пахта-ипак толали калава ип сифат ва миқдорий кўрсаткичларига бентонит концентрацияси таъсир этиши

Намуналар нисбати П:И	БФД, %	K/S	P, cN	L, %	$C_{ск}$, %	Ранг мустах-камлиги, балл	
						Совунга	Терга
90:10	85/ 26	12,8/9,5	295,4/282,4	8,0/8,5	63/64	5/5/5	5/4/5
80:20	87/37,5	13,0/10,0	306,1/321,4	6,9/7,2	65/66	5/5/5	5/5/5
70:30	86/39	12,3/9,0	278,9/298,4	7,3/7,7	63/66	5/5/5	5/5/5

*суръатда интенсификация усулида бўялган намуналар кўрсаткичи, махражда анъанавий усулда бўялган намуналар кўрсаткичи.

Анъанавий усулда калава ипларнинг бўялган ва бўялмаган ИК-спектрал эгри чизиқларни ўрганиб чиқиш натижасида бўялган пахта толали калава ип намуналарининг ютилиш спектрида 1114,21 $см^{-1}$, 1372,63 $см^{-1}$ ва 1431,55 $см^{-1}$ соҳаларда янги ютилиш спектлари пайдо бўлиши аниқланди. Бундай ўзгаришлар бўялган П-2 тола намуналари учун фақат 1372,69 $см^{-1}$ соҳада

кузатилади. Бундай янги ютилиш спектрларини пайдо бўлиши модификацияланган целлюлоза учун фақат 1372,69 см$^{-1}$ сохасида П-2 тола намуналарида характерли. Бу спектрлар бентонитни қўллаб, бўялгандан сўнг 1115,14 см$^{-1}$, 1430,90 см$^{-1}$ и 1630,49 см$^{-1}$ сурилиши уларнининг миқдорининг ўзгарганини кўрсатади. Бўяш жараёнини жадаллаштириш Порлоқ-2 навли тола намунасида янги 1431,11 см$^{-1}$ ютилиш чизиқларини пайдо бўлишига олиб келади. Калава ип намуналарининг барча спектрларида 3433,16 см$^{-1}$ ютилиш чизиқлари кенгаяди, бентонит қўшиб бўялган намуна спектрларида водородли боғланиш сони ўзгаришини кўрсатади. Жадаллаштириш натижасида фиксация даражаси 2,5 маротаба кўпаяди ва ушбу спектр яққол кқринади (5-расм).



5-расм. Дастлабки, қайнатилган, бўялган ва бентонит билан жадаллаштириб бўялган Порлоқ-2 навли пахта толасидан олинган калава иплар ИК-спектрал эгри чизиқлари

Бўяш сифати ва БФД ошириш учун бифункционал модда (БФМ) билан сорбцияланган бўёвчи моддани қўшимча ковалент боғлаш имконияти тадқиқ этилди. БФМ сифатида глицерин, этиленгликол ва ЭХГ танлаб олинди. Намуналар қуйидаги таркиб ёрдамида бўялди, %: Бўёвчи модда -2, Na_2CO_3-2, NaCI-30 БФМ-3.

9-жадвал

195KN-Rs -маркали фаол кўк бўёвчи модда билан турли таркибдаги калава ипни бўяш натижасига бўяш эритмасининг таъсири

Намуналар таркиби ,%	Бўяш усуллари											
	I-анъанавий усул			II-этилен гликол			III-ЭХГ			IV-глицерин		
	ТМ, г/кг	БФД%	К/S	ТМ, г/кг	БФД%	К/S	ТМ, г/кг	БФД%	К/S	ТМ, г/кг	БФД%	К/S
100:0	7,4	36,8	6,5	9,5	47,5	11,7	11,3	56,7	6,6	14,8	74,2	5,5
90:10	7,6	38,1	7,1	10,0	50,0	9,6	12,4	61,9	5,8	15,6	78,2	6,0
80:20	9,8	48,8	7,5	12,3	61,3	9,8	15,8	78,9	6,1	16,0	80,0	6,5
70:30	12,3	61,2	8,6	15,5	77,5	7,6	16,0	80,0	6,2	16,4	82,0	7,1
0:100	17,7	88,4	11,5	17,8	88,8	14,5	18,2	91,0	14,6	18,0	90,0	13,5

Ушбу БФМ – ЭХГ ёрдамида, гидролизланган ва фаол шаклда фаол бўёвчи моддани целлюлозали толаларни бўяш жараёнини жадаллаштириш таркиби ЎзР IAP 05194-сонли патенти билан тасдиқланган.

Бўяш жараёнида глицерин ипак калава ипи учун БФД 18% га ортишини, пахта калава ипи учун 8,6% га ва аралаш калава ипи учун 7,8 дан то 17,3 % гача ортишини таъминлайди.

ЭХГ пахта толали калава ипини анъанавий бўяш усулига нисбатан БФД тадқиқ қилинаётган бошқа ТЁМ билан солиштирилганда 19,2%, ипак калава ипи билан солиштирилганда 8,5% ва аралаш калава ипи билан солиштирилганда 18,1 % га ортиши маълум бўлди.

Этиленгликол билан бўяш жараёнини жадаллаштириш пахта толасида БФД 10,7% га ва ипак толасида 14% га ошириш имконини беради. Аралаш калава иплар учун бўёвчи моддасидан фойдаланиш даражаси 12% дан то 16% гача ортади. Ранг сифатини бахолаш натижаларига кўра, бўяш ваннасига БФМ киритиш аралаш калава иплар таркибини ранг интенсивлиги яқин бўлишини таъминлайди, яъни аралаш калава ип таркибидаги иккала компонент бир хил рангда бўялиши ва ранг равонлигни оширишини таъминланади.

Бўяш жараёнида фермент Bizol Do қўшиб бўялган П:И=80:20 ўзаро нисбатдаги пахта-ипак аралаш калава ип сифатига фермент миқдори, ҳароратли-вақт кўрсаткичлари таъсир этиши ўрганиб чиқилди. Ушбу фермент билан бўяш жараёнини жадаллашитирш БФД ни 55% дан зиёдга ортишини таъминлади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида пахта -ипакли аралаш калава ипларини интенсив бўяш технологик тартиби ва таркиблар ишлаб чиқилди:

I. П:И=80:20 нисбатдаги пахта-ипакли аралаш калава ипларни бўяш учун бентонит қўшиш ҳисобига жараённи жадаллаштириш технологик тартиби, бўяш учун таркиб: бўёвчи модда -2%, NaCl - 30 г/л, Na_2CO_3 - 3г/л, бентонит “Навбахор” - 3%; биринчи босқич бўяш, иккинчи босқич ювиш;

II. БФМ қўллаган ҳолда, П:И=80:20 нисбатдаги пахта -ипакли аралаш калава ипларни бўяш жараёнини жадаллаштириш технологик тартиби, бўяш учун таркиб: бўёвчи модда-2%, натрий хлорид - 30 г/л, натрий карбонат - 3г/л, БФМ (глицерин, этиленгликол, ЭХГ) – 3 г/л; биринчи босқич бўяш, иккинчи босқич БФМ киритиш, учинчи босқич ювиш;

III. Bizol Do ферментини қўллаган ҳолда, П:И=80:20 ўзаро нисбатдаги пахта-ипакли аралаш калава ипларни бўяш жараёнини жадаллаштириш технологик тартиби, бўяш учун таркиб: бўёвчи модда -2%, NaCl - 30 г/л, Na_2CO_3 – 3 г/л, фермент - 2,5±0,5 г/л. Биринчи босқич T=35 ^{0}C; τ = 15 мин давомида фермент билан дастлабки ишлов бериш, иккинчи босқич бўяш, учинчи босқич ювиш.

Кутилаётган иқтисодий самара бўяш жараёнини бентонит, ЭХГ, глицерин билан жадаллаштириш натижасида бўёвчи модда сарфи ва ювиш жараёни сонини камайиши ва бўёвчи модданиянада кўпроқ фиксация қилиш ҳисобига 100 кг калава ип учун ўртача 2257,9 минг сўмни ташкил этди.

Янги ассортиментдаги пахта-ипакли матоларнда иқтисодий самара сезиларли даражада арзон пахта толасидан фойдаланиш ҳисобига100 п.метр учун иқтисодий самарадорлик ўртача 641,1 минг сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

“Пахта-ипак аралаш толали тўқимачилик материалларини тайёрлаш ва бўяшнинг самарали технологиясини яратиш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Пахта калава таркибига ипак тарандиларини киритилиши аралаш калаваларнинг мустаҳкамлик, сорбция ва бўялиш кўрсаткичларини ортишига ёрдам беради. Натижада, пахта-ипак аралаш калава иплари учун С-6524:Ш=90:10; Порлоқ-1:Ш=80:20; Порлоқ-2 80:20 нисбатли таркиб энг яхши кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди;
2. Пахта-ипакли толаларни пардозлашга тайёрлаш сифат кўрсаткичларига эритма таркиби, қайнатиш шароити ва жараёнларнинг кетма-кетлиги индивидуал ва аралаш толали калава ипларинг таъсир этиши тадқиқ этилди. Натижада аралаш калава ипларни юқори ҳароратли шароитда (95 ^{0}С) қайнатишга нисбатан 25 ºС ҳарорат остида дастлабки ферментатив ишлов берилганда уларнинг мустахкамлик хоссаларини сақлаб қолиш имконини берди;
3. Математик моделлаштириш усулини қўллаган ҳолда, пахта-ипак аралаш толали калава ипларни пардозлашга тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш бўйича регрессия тенгламаси олинди. Натижада оптимал кўрсаткичларни яратиш имконини берди;
4. Пахта-ипак аралаш толали матоларни пардозлашга тайёрлаш жараёнини ярим узлуксиз усули жадаллаштириш тадқиқ этилди, Bizol Do ферментидан фойдаланиш натижада юқори оқлик даражасига, капиллярликка ва узилишда чўзилиш кўрсаткичларига эришилди;
5. Аралаш толали материалларни минерал моддалар, БФМ ва ферментлар қўшиб, бўяш жараёнини жадаллаштириш услублари ўрганиб чиқилди. Бўяш жараёнини жадаллаштирувчи модда сифатида бентонитдан фойдаланилганда аралаш калава ип таркибидаги толаларнинг ўзаро нисбатига боғлиқ бўлган ҳолда, бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси 2,2 дан 3,2 мартагача, ва калаваларнинг мустаҳкамлигини эса 5 дан то 7 %гача, БФМ ли шароитда бўёвчи модданинг фойдаланиш даражаси ипак калава ипида 18% га, пахта ипида 8,6% га, аралаш калава ипларда 7,8% дан то 19,2% га ошишига ёрдам беради. Фермент ёрдамида бўяш жараёни жадаллаштирилганда 55% фоиздан ортади. Шу билан бир қаторда аралаш калава ип таркибидаги ҳар бир компонентни равон бўялиши таъминланади. Натижада аралаш калава ипларни бўяш учун қўшимча бўёвчи моддалар бентонит, БФМ, ферментлар қўшиш ҳисобига жараённи жадаллаштирилган технологик режими тақдим этиш имкони яратилди;
6. Иқтисодий самара бўяш жараёнини бентонит, ЭХГ, глицерин иштирокида актив бўёвчи моддаларни янада кўпроқ фиксация қилиш натижасида бўёвчи модда сарфини камайиши ва ювиш сонини камайиши ҳисобига ўртача 100 кг учун 2209,6 минг сўмни ва сезиларли даражада арзон пахта толасидан фойдаланилганда 100 пм. учун 641,1минг сўмни ташкил этди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

САДИКОВА ГУЛНОЗА КУДРАТИЛЛАЕВНА

СОЗДАНИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПОДГОТОВКИ И ОКРАШИВАНИЯ ХЛОПКО-ШЕЛКОВЫХ ТЕКСТИЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/T110

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Худайбердиева Дилфуза Бахрамовна** доктор технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Ихтиярова Гулнора Акмаловна** доктор химических наук, профессор
	Валиев Гулом Набижонович кандидат техническтих наук, с.н.с.
Ведущая организация:	**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «28» августа 2018 г. в 15^{00} часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (99871) 253-06-06; 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за № 44). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, Тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «20» июля 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 44 от «20» июля 2018 года).

К.Жуманиязов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

С.Ш.Ташпулатов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировом рынке растет спрос на текстильный материал и одежду из натуральных волокон. В мировом масштабе ежегодное производство хлопкового волокна основными хлопкопроизводящими странами - Китаем, Соединенными Штатами Америки, Индией, Пакистаном и Узбекистаном, на которые приходится свыше 70% мирового производства хлопка, составляет 19,6 млн т. В том числе, особенное внимание уделяется производству качественной продукции, усовершенствованию традиционных технологий и разработки новых видов ассортиментов.

В мире по химической отделке текстильных материалов на основе хлопка и шелка выполняются научно-исследовательские работы, направленные на разработку инновационной техники и технологий, предусматривающие эффективное применение современных достижений науки и техники, модернизацию существующих технологий. Также теоретическое обоснование соотношений составляющих волокна, определение оптимальных параметров в процессе химической отделки текстильных материалов на основе хлопко-шелковых смесовых волокон, определение степени влияния их на качество материала, диффузию, сорбцию степень связывания красителей на волокно, изучение законов эффективного использования дорогостоящих красителей, разработка математических моделей является важной задачей. В том числе разработан состав, основанный на местном сырье, обеспечивающий высокое использование красителей на целлюлозном составляющем в смесовых волокнистых материалах. Требуется разработка механизма интенсификации предложенного выше процесса отделки.

В республике реализуется комплексные меры, направленные на повышение экспортного потенциала, совершенствуя технику, технологию химической отделки текстильных материалов на основе хлопка и шелка, создание производства качественных текстильных и швейно-трикотажных продукций широкого ассортимента. Определены задачи по стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в том числе « …. повышение конкурентоспособности национальной экономики, …снижение расхода энергии и ресурсов в экономики, …широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство…»[1].

Выполнение этих задач, то есть, сокращения экспортируемого объема хлопкового волокна, создание инвестиционной среды и расширение текстильной промышленности, производимые конкурентоспособные готовые продукции, определение технологических режимов позволяющих контролировать качественные показатели подготовки текстильных материалов являются актуальными задачами.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017 - 2019 годы» за ПП-2687 от 21 декабря 2016 г. и «О мерах по организации деятельности ассоциации «УЗБЕКИПАКСАНОАТ» за ПП-2856 от 29 марта 2017 г.

Связь исследования с основными приоритетным направлениями развития науки и технологии Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий: II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Научные исследования российских и зарубежных ученых В.В.Павлова, Г.Е.Кричевского, И.И.Ключковой, М.З.Абдукаримовой, Г.А.Ихтияровой, В.В.Карповой, Н.Г.Романовой, М.М.Муратовой, Ц.Я.Росинская, М.Андреевой, E.K.Karamkas, Sun Jie, Lee Shin-Hee, D.O.Klemm, M.L.Gulrajani, T.S.Abdel-Halim, F.Talebpour, Mogeet Abdul, Wang Yunlong и др. направлены на разработки способов интенсификации процессов технологии отделки текстильных материалов из хлопковых и шелковых волокон.

Вопросами по расширению ассортимента смесовых тканей и трикотажа, содержащих натуральный шелк, посвящены работы ученых Ташкентского института текстильной и легкой промышленности под руководством профессоров Х.А.Алимовой, М.М.Мукимова, И.А.Набиевой, А.Э.Гуламова, Д.У.Арифжановой.

Анализ патентной и периодической литературы показывает, что для создания новых ассортиментов хлопко-шелковых смесовых материалов требуется разработка их химической отделки. Не найдены эффективные решения систематических исследований процессов подготовки и крашения хлопко-шелковых тканей путем подбора и изучения влияний различных текстильно-вспомогательных веществ, вводимых в варочную жидкость, используемую для их отварки и крашения шелка.

